

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чика бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 31 январь • №4 (1285)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«TASHKENT PHARMA PARK» ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАРМАЦЕВТИКА КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Инновацион ва юқори сифатли дори воситаларини, тиббий буюмлар ва тиббий техника воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, фармацевтика соҳаси мутахассисларини халқаро таълим стандартлари асосида ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича тайёрлашни, фармацевтика таълимнинг халқаро илмий ҳамжамият тизимига ички интеграциялашувини таъминлаш ва республикада фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти Қибрай туманида “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини (кейинги ўринларда – Кластер) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Кластер ўз ичига қуйидагиларни ташкил этишни қамраб олади:

а) қуйидагилардан иборат ўз инфратузилмасига эга бўлган Фармацевтика техник университети (кейинги ўринларда – Университет):

илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар;
ўқув-илмий лабораториялари ва виварийлар;

фармакопея маркази; мехмонхонага эга симпозиумлар маркази; талабалар, ўқитувчилар ва чет эллик ходимлар учун турар жой; спорт-соғломлаштириш мажмуаси, сув ҳавзаси ва стадион;

б) инновацион дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш майдонларидан иборат саноат зонаси (кейинги ўринларда – саноат зонаси).

3. Қуйидагилар:

а) Кластернинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: халқаро тажрибани қўлланган ҳолда инновацион ечимлар (ноу-хау) ва юқори технологияларни жорий этиш орқали рес-

публиканинг фармацевтика тармоғини ривожлантириш;

фармацевтика тармоғида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича халқаро ўқитиш дастурларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш учун ихтисослаштирилган таълим инфратузилмасини яратиш;

халқаро инновацион тизимга интеграциялашиш, замонавий ўқув-лабораториялари ва илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, инновацион инфратузилмани яратиш орқали илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш;

инновацион ва юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий рақобатбардор иш-

лаб чиқаришларни ташкил этиш учун, шу жумладан, хорижий фармацевтика компанияларининг инвестициялари ва илгор технологияларини жалб қилиш;

илмий-таълим ва тадқиқот марказларининг илмий-техник ва инновацион дастурлар, танловлар ҳамда грантларда иштирок этиши учун шарт-шароитларни таъминлаш;

тажриба ва маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил этиш орқали хорижий ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

АНИҚ ВА РАВШАН МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ

Маълумки, 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатини тақдим этди. Мазкур Мурожаатнома алоҳида ўзининг мазмун ва чуқур моҳиятига эга бўлди. Эътирофлики шундаки, Мурожаатномада халқимиз ҳаётининг барча жиҳатлари тўлиқ қамраб олинди. Ушбу Мурожаатнома мамлакатимиз аҳли, шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан эътироф этилди. Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Гусейн Гулиев ўз муносабатида қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтди. “Ўз навбатида, Ўзбекистон халқи ҳам давлат раҳбарига ишоноди ва унга эргашмоқда. Бу эса барқарор ривожланиш, фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир”. Дарҳақиқат, бундай қимматли сўзлар замирида халқимизнинг Юртбошимизга бўлган ишончи юқори эканлигини кўраимиз...

Эътиборингизга мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган соҳа мутахассисларининг Мурожаатномага бўлган муносабатларини ҳавола этамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасини халқимиз, бутун жамиятимиз интиқлик билан кутаётган эди.

Давлатимиз раҳбари маърузанинг бошидаёқ яхши бир гоёни айтдилар. Яъни, бундан кейин жамият мамлакатимиздаги ҳамма ислохотларнинг ташаббускори бўлади, деган гоёни илгари сурдилар. Диққат билан тинглар эканмиз, аслида Мурожаатнома давомиди янграган барча хулосалар, таклифлар, тавсиялар мана шу гоё асосида шаклланганига гувоҳ бўлдик.

Президентимиз давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Бундан кейин давлат идоралари фақат халқ учун, халқнинг манфаати

Нурдинжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Спикери:

учун ишлаши тўғрисидаги принципал масалаларни илгари сурдилар. Бунда ҳар бир соҳа вакиллари бутун халқнинг манфаатидан келиб чиқиб, ўз иш услубини олиб бориши кераклигини ўқирдилар.

Мурожаатномада юртимизда 2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилиш таклифи этилди. Таъкидлаш жоизки, илм-маърифат ҳам, рақамли иқтисодиёт ҳам бугунги кундаги энг долзарб масалалардандир. Албатта, олдимизга қўйган барча мақсадга, улкан орзуларга эришимиз учун илм, билим, маърифат керак, ахборот-коммуникация технологияларини ҳамма соҳага бирдек жорий этиб,

ривожлантириш зарур бўлади. Шу маънода, айтиш керакки, бугунги янги парламентаризм олдида жуда катта вазифалар турибди. Буни биз – парламент аъзолари жуда яхши англаб, ҳис эътиборимиз.

Биз – депутатлар корпуси давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида келтирилган вазифаларнинг барчасини амалга оширишга, унда илгари сурилган гоё ва ташаббусларни ҳаётга ички татбиқ этишга тайёрмиз. Бунга салоҳиятимиз ҳам, қурбимиз ҳам етади, деб айта оламиз. Мурожаатномани яна бир бор чуқур ўрганиб, зарур чора-тадбирларни белгиллаб олган ҳолда, юқори палата ва маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорликда давлатимиз



раҳбари халққа эълон қилган ана шу улуғвор вазифалар, йўналишлар ҳамда топшириқларни амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

(Давоми 3-бетда).

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тилга олинган энг долзарб янгиликлар:

- * сўз эркинлиги, ОАВ, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритишлари учун бундан кейин ҳам кенг имкониятлар яратилиши;
- * прописка тизимининг ислоҳ қилиниши;
- * 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён муқим яшаётган шахсларга автоматик тарзда фуқаролик берилиши;
- * пахта ва галла етиштиришда давлат буюртмаси берор қилиниши;
- * олий ўқув юртралидаги давлат гранти асосида қабулнинг 2 баробар оширилиши;
- * иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши, барча соҳаларда ахборот-коммуникацион технологияларга ўтиш зарурати англаб етилгани;
- * раҳбарларнинг IT бўйича алоҳида ўринбосари лавозими жорий этилиши;
- * Парламент ролининг кучайтирилиши;
- * аҳолининг 15 фоизи камбағал экани очиб айтилиши (авваллари бундай олий миқдордан туриб «кашшоқлик» сўзи асло ишлатилмаган);
- * ҳокимлар ваколатларининг қисқартирилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ«TASHKENT PHARMA PARK» ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАРМАЦЕВТИКА
КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

амалий иштирок этишни таъминлаш;

б) Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш, косметология, тармоқ ва бизнесни бошқариш соҳаларида халқаро таълим стандартларига мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш;

фармацевтика тармоғида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган инновацион ва самарали таълим дастурлари ва ўқитиш шакллари жорий этиш;

таълим ва фаннинг узлуксизлиги ва узвийлиги, шунингдек, уларнинг жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятга интеграциялашуви ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга ошириш;

фармацевтика таълими, фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

фармация, биотехнология, биофармация, фармацевтика тармоғи учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

хорижий мамакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва ишбилармон доиралари билан узоқ мuddатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармаси (EDCF) линиялари бўйича Корея Республикаси Ҳукумати унинг узоқ мuddатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш орқали ўз инфратузилмасига эга бўлган Университетни ташкил этиш тўғрисида дастлабки келишувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Куйидагилар:

“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш концепцияси 1-иловага мувофиқ;
“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида жойлаштириш тақдирини амалга оширишга асосан Агентликнинг қарорига асосан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини Кластер ҳудудида жойлаштириш;

“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривож-

лантириш дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагилар:
“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ таркибда;

Давлат муассасаси шаклидаги **“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси** (кейинги ўринларда – Дирекция) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Дирекция фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан амалга оширилади.

6. Куйидагилар:
а) **Васийлик кенгашининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Кластер ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш ва стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро грантларни жалб қилишда кўмаклашиш;

Кластернинг илмий-тадқиқот ва таълим салоҳиятини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

Университетнинг моддий-техник базисини мустаҳкамлашга, уни замонавий ўқув-лаборатория ва таъриба-саноат ускуналари билан жиҳозлашга кўмаклашиш; мазкур қарор билан белгиланган вазифалар Дирекция томонидан бажарилишини мониторинг қилиш;

б) **Дирекциянинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:
илгор хорижий таърибани, Кластерни халқаро ҳамжамиятга интеграция қилишни инобатга олган ҳолда уни ривожлантириш, шунингдек, Кластернинг илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасида барқарор кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш;

фармацевтика соҳасида биринчи илмий шахарчани яратишда таълим, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш; кўшма илмий тадқиқотларни амалга оширишда академик, таълим ва тармоқ илм-фани ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлаш;

Кластер аъзоларини рўйхатдан ўтказиш ва уларга тегишли гувоҳномаларни бериш, Кластер иштирокчиларининг реестрини юритиш;

инвесторлар ва Кластер иштирокчилари ўз зиммасига олган мажбуриятларини лозим даражада бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

Дирекция томонидан ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ, Агентликнинг қарорига асосан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини Кластер ҳудудида жойлаштириш;

саноат зонаси ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши, ишга

туширилиши ва Кластер иштирокчилари самарали фаолият юритишини таъминлаш учун уларга зарур инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Кластерни ривожлантиришга хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш; республика фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда стратегик инвесторларни аниқлаш нуктаи назарини Кластер ҳудудида жойлаштириш учун тақдир қилинадиган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертиза қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Белгилансинки,

а) Кластер саноат зонаси ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида **инвестициялар, жумладан, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади;**

б) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида қарор ушбу лойиҳага илгор технологияларни жалб қилиш, инновацияларни татбиқ этиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардорлиги тўғрисида Дирекциянинг ижобий ҳулосаси олинганда кейин Агентлик томонидан қабул қилинади;

в) **Кластер аъзолари ҳамда Дирекцияга нисбатан** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари татбиқ этилади;

г) Дирекциянинг таъминоти, шу жумладан, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, асосий воситаларни сотиб олиш куйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Агентлик қошидаги Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари;

Дирекция бошқарувидаги ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушган тушумлар;

Дирекция томонидан шартнома асосида кўрсатиладиган хизматларни реализация қилишдан тушган тушумлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;
қонун билан таққиланмаган бошқа манбалар.

8. Агентликка Кластерни ташкил этиш мақсадида Дирекциянинг талабномаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан куйидаги чора-тадбирларга тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин:

Кластер ҳудудининг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаси, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

консалтинг ва инжиниринг хизматларини кўрсатишда иштирокчи таълим мутахассислар ва маслаҳатчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш;

Университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида амалиёт ўташи бўйича харажатлар;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкасида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа бинолар, иншоотлар ва дарактзорлар бузилиши сабабли, ер участкаси олиб қўйилганда мулкдорларга етказилган зарарни қоплаш.

9. Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Дирекция билан биргаликда ер участкасининг чегараларини белгиланган ҳолда Кластерни жойлаштириш учун ажратиладиган ҳудудларни топографик тасвирга олишни таъминласин;

Кластер ташкил этиш учун Тошкент вилояти Қибрай туманида кейинчалик кенгайтириш имкониятини инобатга олган ҳолда, умумий майдони 43,75 гектар ер участкаси ажратилишини таъминласин.

10. Кластер қурилиши доирасида Дирекция, истисно тарихида, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган мақсадларда олиб қўйиладиган сугорилмадиган ерлар учун компенсация тўловларини тўлашдан озод қилинсин.

11. Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар йили тегишли йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг параметрларини шакллантиришда “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ва зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда Кластер ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига

консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан кириш визаларни расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Агентлик буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда Кластер ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божини ундирмасдан кўп марталик визалар берилишини ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинча прописка қилинишини ва унинг мuddати узайтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги белгиланган тартибда республикага ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатнома берилишини (мuddати узайтирилишини), шунингдек, ушбу фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилишини (мuddати узайтирилишини) таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишда куйидаги тартиб ўрнатилсин:

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. У. Умурзоқов – узоқ мuddатли **хорижий имтиёзли кредитларни** ўз вақтида жалб қилган ҳолда белгиланган мuddатларда Кластерни, шу жумладан, Университет ва саноат зонасини ташкил этиш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилишини, масъул идоралар ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини, **аниқланган муаммо ва камчиликлар** тезкорлик билан бартараф этилишини таъминласин;

Агентлик директори в.б. С. Х. Кариев – **Кластерни самарали бошқариш тизимини** яратиш, уни шакллантириш жараёнида юзага келадиган **кундалик масалаларни ҳал қилиш**, саноат зонаси ҳудудида юқори сифатли дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш бўйича **инновацион қувватларни** жойлаштириш, **ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларининг рақобатбардорлигини** ошириш, ушбу соҳадаги **академик ва илмий-тадқиқот** муҳитини ривожлантириш таъминласин;

Тошкент вилояти ҳокими Р. К. Холматов – **ер участкасининг чегараларини** аниқлаш ва **транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини** таъминлаган ҳолда уни Кластер ташкил этиш учун ажратсин, Кластер, шу жумладан, Университет ва саноат зонаси фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ

(Давоми. Боши
1-бетда.)

Муносабат

АНИҚ ВА РАВШАН МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасини мамлакатимиз тиббиёт соҳасида фа-

Феруз НАЗИРОВ,
Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик:

олият юритаётган кўп сонли соҳа мутахассислари катта мамнуният билан қарши олдилар. Таъкидлашим лозимки, Мурожаатномада Давлатимиз раҳбари тиббиёт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Айниқса, "Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шaroити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз даркор", дея таъ-

кидладилар. Албатта, бу каби эътирофлардан руҳланган ҳолда фаолиятларни янада изчилик билан давом эттиришга тайёромиз. Таъкидлашим муҳимки, халқимизга кўрсатилаётган тиббий профилактика, патронаж ёрдами янада яхшилаш, тез ва шoshилинч тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кейинги уч йилда соҳани ислоҳ этиш бўйича 180 га

яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда, профилактик тиббиётни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. **Айни пайтда халқимизга буюрилишида 817 та қишлоқ врачлик пунктлари, 798 та қишлоқ оилавий поликлиникалар, 178 та шаҳар оилавий поликлиникалар хизмат кўрсатяпти.** Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган соҳа- шoshилинч ва "тез ёрдам" хизматининг фаолияти ҳам кейинги йилларда

янги босқичга кўтарилмоқда. **Масалан, таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2016 йилда чақирқилар сони 7,2 миллион ташкил қилган бўлса, 2017 йилда – 8,7 миллион, 2018 йилда эса 9,8 миллионга етган.** Утган йил давомида мурожаатлар сони 10 миллионга яқинлашган. Албатта, тизимда эришилаётган бундай ютуқларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин халқ қилиниши керак бўлган муҳим вазифаларимизни Президентимиз ўз Мурожаатларида таъкидлаб ўтдилар. Ишонтириб айтаманки, бу борадаги фаолиятларни самарали амалга оширишда куч-ғайратимизни аямаймиз.


Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномаси, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Ушбу Мурожаатнома нафақат мамлакатимиз аҳли, шунингдек, хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, академик доиралари ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан зўр қизиқиш билан қўлиб олинди. Давлатимиз раҳбари, мамлакатимиздаги жараёнларни батафсил таҳлил этиб, ўтган давр натижалари ва истиқболдаги режаларга алоҳида тўхтади. Шу ўринда, тиббиётнинг ихтисослашган марказлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий қарталарни жорий этиш муҳимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кўшимча саккизта республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (онкология ва радиология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия, аллергология, неврология ва инсульт, нефрология ва буйрак трансплантацияси, наркология каби йўналишларда) ташкил қилиниб, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлар сони 18 тага етди. Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбарининг ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан олис ҳудудларни қамраб олиш борасидаги топшириқлари бўйича жойларда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 17 та филиаллари ишга туширил-

Равшан ҚУРБОНОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Ўзбекистон Каҳрамони:

ди, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибида қарийб 6600 ўринга мўлжалланган 310 та ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил қилинди. Қувонarli жиҳати, 2019 йилнинг ўтган 10 ойи давомида худудларда 1886 та жаррохлик операциялари ўтказилди. Шундан 1050 таси юқори технологик операциялардир. Вилотларда ҳам кардиохирургия хизмати ривожланиб, ўн та худудда 10 та рентгенэндоваскуляар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда, 8 та вилотда кардиохирургия операциялар ўтказилмоқда. Шунингдек, худудларда янги 174 та диагностика ва 264 та

даволаш усуллари жорий этилди, телемедицина орқали 800 дан ошқ онлайн консултациялар ўтказилди. Кейинги йилларда хусусий тиббиёт ривожини учун ҳам имкониятлар яратилди. Утган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари 50 тадан қарийб 130 тагача кўпайди. Тизимнинг бошқа йўналишларида ана шундай самарали фаолиятлар ўз ифодасини топмоқда. Бунинг натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланиб, халқимизнинг тиб-



биётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Юртбошимизнинг тиббиёт аҳлига билдирган ишончларини оқлаш учун инсон саломатлигини муҳофазда қилишда бор билим ва малакамизни сафарбар этамиз.



Солижон МҮМИНОВ,
Наманган вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

жабҳада бўлганидек, соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида айтилган гаплар биз тиббиёт ходимларини гоят тўлқинлантириб юборди. Юртбошимиз мамлакатдаги ҳолатни тўла таҳлил қилиб, олимизда турган вазифаларни аниқ белгилар бердилар. Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш, обрўсини кўтариш, иш шaroитларини такомиллаштириш, уларга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигини айтиб ўтдилар.

Аҳолида соғлиқни сақлаш ҳодимига ҳурмат ҳиссини шакллантириш, уларга муносиб меҳнат шaroитларини яратиш ва даромадини кўпайтириш тўғрисида тўхталиб ўтганлари айни дилимиздаги фикрлардир. Сир эмас, ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда шифокорларга нисбатан қилинаётган зўравонликлар ҳаддан ортиб кетганди. Миллий менталитетимизга мутлақо тўғри келмайдиган бундай воқеа-ҳодисаларнинг индиз отаётгани

барчамизни ташвишга сола бошлаганди. Эндиликда тиббиёт ходимларига муносиб меҳнат шaroитларини яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрила бошланади. Амалдаги йилнинг ўзида давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш ўтган йилга нисбатан кескин ортади.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш билан тиббий

хизмат кўрсатиш даражаси янги босқичга кўтарилди. Айниқса, гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш, қон ҳамда вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтириш тўғрисидаги қўрсатмалардан қисқа фурсатда, яқин вақтларда тиббиёт соҳасининг ҳам тубдан ривожланиши сари жадал қадам ташлаши, учун омил бўлади, дея таъкидлаш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси ҳамма жойда астойдил ўқиб-ўрганилмоқда. Ҳар бир

Давлатимиз раҳбарининг Парламентга йўллаган Мурожаатномасини диққат билан тингладик. Унда юртимиз таррақийтига дахлдор бўлган устувор вазифалар, ташаббуслар, таклифлар илгари сурилдики, булар орасида соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиш, уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилотида тажриба сифатида қўллаш бошланади, дея таклиф киритилди. Бу албатта, Сирдарё халқига бўлган

ишонч деб биламан. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, 2020 йилнинг 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 19-сонли қарори қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 2 августдаги 4412-сонли қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотла-

Рустам ЮЛДАШЕВ,
Сирдарё вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

рини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилиб, унда Сирдарё вилотининг тиббиёт ташкилотлари тажриба-синов сифатида олинди. Шу ўринда, қарор иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларини "Ҳар бир давонланган ҳолат учун" Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми ва унинг иловалари ишлаб чиқилди. Албатта, бундай масъулиятли вазифани амалга оширишнинг ўзи бўлмади. Шу боис, мазкур йўналишга дахлдор бўлган соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда фаолият олиб

воланган ҳолат" бўйича ҳақ тўлаш юзасидан наъмунавий шартнома, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жон бошига молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми ва унинг иловалари ишлаб чиқилди. Албатта, бундай масъулиятли вазифани амалга оширишнинг ўзи бўлмади. Шу боис, мазкур йўналишга дахлдор бўлган соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда фаолият олиб



бориш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб, ушбу масалага, албатта жиддий ёндашамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси бутун Ўзбекистон аҳлини, тўлқинлантириб юборди. Чунки, Мурожаатномада кўтарилган ҳар бир масала бугунги куннинг ҳақиқатини, халқимиз олдида турган энг катта муаммоларни ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларни қамраб олган. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз ҳар бир масалага алоҳида тўхталиб, самимий ва очик мурожаат билан чиқдилар. Айниқса, Юртбошимизнинг соҳа ходимлари меҳнатига ҳурмат билан эътибор қаратганлари бундан мустасно эмас. Бунинг исботи сифатида айтишимиз жоизки, тиббиёт ходимларининг фаолияти низоҳатда масъулиятли ва машаққатлидир.

Ибодат СОАТОВА.

Йиғилиш

ТИББИЁТ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР
ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Охириги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги фармонига мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оливайи поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиши, ҳудудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илгор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

16 та ихтисослашган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан ҳамкорликда ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкиллаштириш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати қаҳриқларини автоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича ўлик рақамлаштирилди ҳамда 150 та махсус "Форд" автомобиллари билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020-2021 йилларда республиканинг барча ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хиз-

матини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустақамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳадаги кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимини 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 нафар умумамалиёт шифокори, 10 минг нафар тор мутахассислар етишмади. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиётда илм-фани ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни

ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилди.

Йиғилишда мутасаддиларга шу раҳадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислохотларни мактаб таълимидан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларига қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

Бугуннинг мавзуси

КОРОНАВИРУС
МАСАЛАСИДА
МАЖЛИС
ЎТКАЗИЛДИ

Бош вазир Абдулла Арипов Хитойда тарқалаётган янги турдаги коронавирус Ўзбекистонга кириб келишининг олдини олиш масаласида 28 январь куни йиғилиш ўтказди. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев маълум қилди, деб хабар бермоқда *Kup.uz* мухбири.

"Ўзбекистонда ҳали биттаям ҳолат бўлмаган. Кеча Бош вазир томонидан комиссия йиғилиши ўтказилди. Ҳар бир идора ва ташкилотлар, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Чегара қўшинларига топшириқлар берилди", - деди Юсупалиев 29 январь куни Халқаро пресс-клуб сессиясида.

Унинг айтишича, ҳозирча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вирус қаердан келиб чиққани ҳақида аниқ хулосага келмаган.

"Битта нарсани билишимиз керак: коронавирус - ҳаво томчи йўли билан юқадиган инфекция. Аксирганда, йўталганда бир-бирига ўтувчи, одамдан одамга ўтиши мумкин бўлган инфекция. Грипп билан таққосласак, гриппга ўхшаган ҳаво томчи инфекцияси. Алоҳида таъкидлашим керак, гриппда ўлим ҳолатлари 2-4 фоизни ташкил қилади. Бу ерда ҳам [коронавирусда] ўлим ҳолатлари умумий касалланганларга нисбатан 2-4 фоизни ташкил қилади.

Бу инфекция билан курашимиз мумкин. Биринчи навбатда гигиена талаблари, қондаларини билишимиз ва риоя этишимиз керак. Бу дегани, шамоллаган одамни қўлини бериб, симптоматик даволанади. Бу даволандиган касаллик", деди вазир ўринбосари.

Баҳодир Юсупалиев аҳолини ваҳимага тушмасликка чақириб, вирус Ўзбекистонга кириб келишининг олдини олиш учун етарли чоралар кўрилганини билдирди. "Чегарадаги санитар-карантин пунктларининг фаолиятини назоратга олинган. Ҳар бир пунктага инфекционист бириктирилган. Тегинли тепловизор билан кириб келаётганларнинг тана ҳарорати кўтарилган-кўтарилмаганини биламиз. Шундан келиб чиқиб, биринчи тадбирларни амалга оширишимиз мумкин бўлади.

Кейинги масала, ҳар битта тиббиёт муассасасида заҳира ўринлар, дори-дармонлар тайёрлаб қўйилган", - деди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари.

Дилдаги гаплар

САМИМИЙ ВА ОЧИК
МУРОЖААТ

Биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси шифокорлари Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини телеведение орқали жамоа бўлиб тинглар эканмиз, унда Ватанимиз тақдири ва келажагига дахлдор ҳар бир сўз, ҳар бир жумла барчамизни ниҳоятда хаяжонга солди.

Айниқса, Юртбошимизнинг "Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улғувор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада "Жамият - ислохотлар ташаббускори" деган янги гоя қундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда", деган сўзлари замирида олам-олам маъно мужассамлигини кўраемиз. Айни пайтда жамият деган сўзнинг ичида халқ, жамоатчилик, барча касб эгалари қатори тиббиёт ходимларининг ҳам борлиги кўнгилмизга гурур, зиммамизга катта масъулият юклаганини изхор этмоқчиман. Демак, Давлатимиз раҳбари Мурожаатнома орқали олдимизга қўйган улғувор вазифаларни амалга оширишда янада фаолроқ ва ташаббускор бўлишимиз зарур. Мурожаатномада ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар қатори тиббиёт ва соғлиқни сақлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўлдим. Келажақда бажаришимиз зарур бўлган вазифалар қаторида кун тартибига қўйилган масалалар айна соғлиқни сақлаш муассасалари ва тиббиёт масканлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларини мизни ҳам катъинан давом эттирамиз", деган сўзлари халқимиз саломатлигини сақлаш вазифасини ўз зиммасига олган шифокорлар қалбига нақадар

юксак ишонч бағишлаганини бир сўз билан изхор эта олмайман. Мурожаатномада келтирилган баъзи маълумотлар мамлакатимизда тиббиёт соҳаси бўйича ривожланиш қай даражада юксалишини тасаввур қилиш имконини беради:

"Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади. Шунингдек, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизmlарини жорий этиш зарур".

Ўзбекистоннинг буюк келажагини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қуриши мақсад қилган халқимизнинг соғлиги, соғлом авлодни вояга етказишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Ана шунинг учун ҳам Президентимизнинг халқимиз, айниқса, аёллар ва болалар соғлиги ҳақида ниҳоятда ғамхўрлик ва алоҳида меҳр билан айтган гаплари, аввало бизнинг юрагимизни тўлқинлантиради, ўз касбимизга бўлган масъулиятимизни оширади. Хизмат вазифамизга кўра куннинг ҳар қандай вақ-

Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифаларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси доирасида ҳам масъулият билан амалга оширамиз.

Анвар РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси
Бош шифокори.

АМАЛИЁТДА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Улугбек СОБИРОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
дерматовенерология ва
косметология илмий-амалий
тиббىёт маркази директори,
тиббىёт фанлари доктори:

– Дарҳақиқат, ўтган сўнгги уч йил мобайнида соғлиқни сақлаш тизимида улкан ишлар амалга оширилди. Аҳамиятлиси, барча фаолиятлар аҳоли манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Соғлиқни сақлашнинг бошқа муассасалари сингари бу борада марказимизда ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, тиббий хизмат сифатини таъминлаш учун республика ҳудудидаги барча дерматовенерология хизмати ташкилотлари юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бундан ташқари, малакали мутахассис тайёрлаш, мутахассисларимиз томонидан жойларда тиббий кўриқлар ташкил қилиниб, соҳа касалликлари бўйича зарурий маслаҳатлар ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, илмий салоҳиятни ошириш йўналишида ҳам янги ютуқлар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Айтиш мумкинки, шу асосдаги изланишларимиз натижасида халқ тилида “оқ доғ”, соҳада эса вилитлиго номи билан юритилувчи касалликни жарроҳлик йўли билан бартараф этишнинг самарали усули ўзлаштирилди. Буни алоҳида эътироф этишимнинг



сабаби, мазкур хасталик узок йиллардан буюн инсонларга муаммо туғдириб келади. Тўғри, тиббётда ҳам, тиббётда ҳам ушбу касалликни даволаш усуллари кўп. Бироқ, қисқа фурсатда йўқотиш мураккаб масала ҳисобланади. Бирдан биргина ишончли ва сифатли даволаш усули – малакали жарроҳлик амалиёти эса айна пайтга қадр фақат тиббёти ривожланган давлатларда бажарилар эди. Энди бу амалиётни Ўзбекистон тиббётида ҳам амалга ошириш мумкин бўлади. Яна бир эътироф, Президентимиз топшириғига бinoан марказга АҚШнинг дунёга машҳур Candella компанияси ишлаб чиқарган Picoway ва Vbeam Perfecta лазер технологиялари олиб келинди. Унинг

ёрдамида теридаги бошқа турдаги доғ ва нуқсонларни бутунлай бартараф этса бўлади. Аҳамиятлиси, мазкур амалиётлар лазер технологиялари ёрдамида ҳеч қандай қоксиз, огрикларсиз бажарилади. Бу ўз ўрнида мамлакатимизда тиббёти туризми салоҳиятининг ривожланишига ҳам сезиларли даражада ҳисса қўшади.

Мана, куни кечёгина Президентимизнинг Парламентга қилган мурожаатини тингладик. Давлатимиз раҳбари тиббёти тизимида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бир сўз билан айтганда, барчамиз учун зарурий чора-тадбирлар режасини тузиб берди дейиш мумкин. Биз фақат ишлашимиз керак, холос.



Марказда айна пайтда 3 та стационар, маслаҳат-диагностика поликлиникасини ўз ичига қамраб олган илмий маслаҳат, физиотерапия ва дерматология бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, муассаса таркибида жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар ва ОИТС касаллигининг

лакасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда даволаш соҳасидаги илмий изланишларни кенгайтириш, жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар ташхиси бўйича илмий-амалий ва инновацион текширувлар ўтказиш баросида ҳам самарали фа-

олиятлар олиб борилмоқда. Бошқача айтганда, марказ ходимлари ва раҳбарияти томонидан халқимизни ушбу йўналишдаги тиббий хизматлардан рози қилиш учун бутун салоҳият, бор имконият ҳамда шарт-шароитлар сафарбар этилмоқда.

Мавзу доирасида: ҳудудда тиббий кўрик ва маҳорат дарслари

Айни шундай тадбирларнинг навбатдагиси куни кеча Қашқадарё вилоятида бошланди. Жорий йилнинг 30 январидан 2 февралга қадар вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида “Булл-лэз эпидермолиз” билан касалланган беморларни даволаш мавзусида ўтказилаётган тадбирда Россия Федерацияси Педиатрия марказининг етуқ мутахассислари иштирок этиши режалаштирилган. Маҳорат дарсларида россиялик малакали мутахассислардан Анастасия Сабитова, Алексей Туркин, Лидия Делишевская, Ольга Орлова ҳамда Малика Денисова иштирок этишмоқда. Тадбир Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббёти маркази томонидан ташкил этилди.

Маълумот ўрнида, ушбу маҳорат дарслари ва тиббий кўриқлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда.

аноним текшируви ва даволаш хонаси, бактерияология, микология, ПЗР, серодиагностика, марказий серология, иммунология, фармокотерапия, патоморфология ҳамда клиник-диагностика лабораториялари иш олиб бормоқда. Шунингдек, марказда кадрлар салоҳиятини ошириш ва ма-

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббёти маркази дунёнинг бир қанча етакчи тиббёти муассасалари билан халқаро келишув ва шартномалар имзолаб, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб келмоқда. Марказ томонидан долзарб мавзуларга бағишланган конференциялар мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.



Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббёти маркази

Маълумки, ўтган сўнгги уч йил мобайнида бошқа соҳалар қатори мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилди ва давом эттирилмоқда. Аҳамиятлиси, ислохотлар жараёнида тизимнинг ҳеч бир йўналиши эътибордан четда қолмади. Хусусан, ихтисослашган тиббий хизматларни такомиллаштириш ва уларни аҳолига яқинлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббёти марказида ҳам шу мақсадга қаратилган тизимли дастур асосида иш олиб борилмоқда дейиш мумкин.

фаолиятида юқори технологияли жиҳозларни қўллаш орқали ИФА, ПЗР, терининг ирсий ва аутоиммун касалликлари, замбуруғ хасталикларини аниқлаш ишлари, физиотерапия ва дерматокосметология бўлимида замона-



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 июлда қабул қилинган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-

вий ПУВА – терапия, лазеротерапия, шунингдек, бошқа турдаги терапевтик ва мезотерапия, пилинг, контурли пластика каби янги хасталикларни аниқлаш муолажалар юқори даражада амалга оширилмоқда. Асосий эътибор эса аҳоли ўртасида дер-

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

МДХ давлатлари орасида илк бор Ўзбекистонда

* Вилитлиго – оқ доғ касаллиги энди мамлакатимизда ҳам жарроҳлик йўли билан даволанади.


* Марказга 268 минг доллар эвазига келтирилган Picoway ва Vbeam Perfecta русумли лазер технологиялари теридаги ҳар хил доғ ва нуқсонларни бутунлай бартараф этиш имконини бермоқда.

Марказ мутахассислари томонидан ҳозирга қадар

- 27 та монография;
- 32 ихтиро;
- 135 та услубий кўрсатма;
- 2500 та илмий мақола чиқарилган.

ри бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш баробарида, том маънода марказ фаолиятида ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Яъни, бугунги кунда 80 нафар

матовенерологик касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш, даволаш ишларида замонавий диагностика усуллари билан фойдаланишга қаратилмоқда. **Марказда бугунги кун-**



шифокор, 44 нафар илмий ходим, хусусан, 16 нафар тиббёти фанлари номзоди ва 10 фан доктори фаолият юритиб келаётган марказда тиббий хизматлар сифати ва яратилган шарт-шароитлар замонавий даражага олиб чиқилган. Натижада, айни пайтда марказ


да тиббий косметология, эстетик тиббёти такомиллашмоқда. Шу мақсадда мутахассислар салоҳияти, малака ва тажрибаси оширилмоқда. Барча имконият аҳолини дерматология ва венерология йўналишида сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги врач ва фармацевтларга малака тоифасини бериш бўйича ихтисослашган аттестация комиссияларининг 2020 йил йиғилиши муддатлари

№	Комиссиялар номи	Аттестация ўтказиладиган сана																			
		29 февраль	4 апрель	16 май	20 июнь	5 сентябрь	10 октябрь	14 ноябрь	12 декабрь												
1	Умумий врачлик амалиёти, тез tibбий ёрдам (103) мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси																				
2	Ички касалликлар (терапия), аллергия ва иммунология, врачлик меҳнат экспертизаси, гастроэнтерология, гериятрия, диетология, неврология, касб касалликлари, реабилитология, курортология, физиотерапия, фитотерапия, даволаш физкультураси, спорт tibбиёти, клиник фармакология, лазеротерапия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		14 март		16 май		5 сентябрь		28 ноябрь												
3	Кардиология, интервенцион кардиология, шошилиқ кардиология ва кардиореанимация, ревматология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		28 март			6 июнь	19 сентябрь		21 ноябрь												
4	Гематология, трансфузиология, эндокринология, болалар эндокринологияси, оператив эндокринология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	22 февраль			2 май		26 сентябрь		14 ноябрь												
5	Умумий педиатрия, педиатрия, неонатология, болалар кардиология ва ревматологияси, болалар гастроэнтерологияси, болалар нефрологияси, болалар пульмонологияси, болалар юқумли касалликлари, ўсмир ва чақирув ёшдагилар касалликларининг врачлик экспертизаси, болалар аллергия ва иммунологияси, болалик даври иммунопрофилактикаси, педиатрияда интенсив терапия (профили ихтисосликлар бўйича), шошилиқ интенсив педиатрия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	29 февраль	28 март	25 апрель		20 июнь	19 сентябрь	24 октябрь													5 декабрь
6	Акушерлик ва гинекология, репродуктология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		14 март	18 апрель		13 июнь	12 сентябрь	17 октябрь	28 ноябрь												
7	Умумий хирургия, кардиохирургия, абдоминал хирургия, колопроктология, трансплантология, пластик хирургия ва микрохирургия, торакал хирургия, йирингли хирургия, урология, андрология ва сексопатология, эндоурология, хирургияда лазерли технологиялар, оператив-диагностик эндохирургия (профилиар бўйича), ангиохирургия, эндоскопия, шошилиқ tibбий ёрдам мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		28 март	25 апрель		6 июнь	19 сентябрь	31 октябрь													5 декабрь
8	Травматология ва ортопедия, болалар травматологияси ва ортопедияси, ортопедия, вертебрология, нейрохирургия, андоваскуляр нейрохирургия, спинал (вертебрал) нейрохирургия, комбустиология, рабиология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		14 март			20 июнь		24 октябрь	28 ноябрь												
9	Анестезиология ва реаниматология, интенсив терапия (профили мутахассисликлар бўйича), кардиохирургия анестезиологияси, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, экстракорпорал детоксикация, токсикология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	22 февраль			30 май		26 сентябрь		21 ноябрь												
10	Tibбий радиология, рентгенология, ультратовуш диагностикаси, компьютер томографияси, магнит-резонанс томографияси, ядровий tibбий мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	29 февраль		18 апрель		6 июнь	12 сентябрь	31 октябрь													
11	Юқумли касалликлар, умумий гигиена ва эпидемиология, гигиена, эпидемиология, микробиология, радиацион гигиена ва радиацион хавфсизлик, микробиологик лаборатор текширувлар (бактериология ва вирусология), дезинфектология, паразитология, tibбий энтомология, ўта хавfli инфекциялар лаборатор диагностикаси, паразитар касалликлар лаборатория диагностикаси, санитар-гигиеник лаборатория текшируви, радиологик лаборатория текшируви, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, охшатириш гигиенаси, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, радиацион гигиена, tibбий экология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси									22 февраль		2 май	13 июнь	19 сентябрь	17 октябрь	21 ноябрь					
12	Умумий стоматология, болалар терапевтик стоматологияси, терапевтик стоматология, ортопедик стоматология, ортодонтия, хирургик стоматология (орал), имплантология, юз-жағ хирургияси мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси										14 март	18 апрель		13 июнь	12 сентябрь	17 октябрь	28 ноябрь				
13	Неврология, болалар неврологияси, психиатрия, болалар ва ўсмирлар психиатрияси, наркология, суицидология, суд-психиатрия экспертизаси, игнорефлексотерапия, нейрофизиология, мануал терапия, tibбий психология ва психотерапия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси											4 апрель		6 июнь	5 сентябрь	31 октябрь					
14	Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш, валеология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси											22 февраль		16 май		26 сентябрь					21 ноябрь
15	Болалар хирургияси, болалар урологияси, болалар кардиохирургияси, неонатал хирургия, офтальмология, болалар офтальмологияси, кўз микрохирургияси, нейроофтальмология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси												4 апрель	30 май		26 сентябрь				14 ноябрь	12 декабрь
16	Пульмонология, фтизиатрия, фтизиохирургия, суяк тизими фтизиатрияси, фтизиоофтальмология, дерматовенерология, tibбий косметология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси												4 апрель		13 июнь		17 октябрь				12 декабрь
17	Клиник лаборатория диагностикаси, функционал ва инструментал диагностика, болалик даври функционал ва инструментал диагностикаси, tibбий генетика мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси											29 февраль		18 апрель	30 май		12 сентябрь	31 октябрь			
18	Умумий онкология, болалар онкологияси (кимё терапияси), фотодинамик терапия, онкохирургия, болалар онкохирургияси, нур терапияси, онкурология, онкоофтальмология, торакал онкохирургия, онкопроктология, таъин-харакат аппарат ўсмалари (хирургия), бош ва бўйин ўсмалари, кимётерапия, онкогинекология, маммология, оторинларингология, tibбий сурдология, tibбий фониятрия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси													11 апрель	30 май		10 сентябрь	14 октябрь			
19	Патологик анатомия, суд- tibбий экспертиза мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси											28 март		16 май			10 октябрь				5 декабрь
20	Фармация мутахассислиги аттестация комиссияси												11 апрель		20 июнь		10 октябрь				5 декабрь

Реформы здравоохранения

В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ — ЗДОРОВЬЕ СЕЛЬЧАН



Благодаря государственной поддержке за последние годы в Ташкентской области заметно улучшилась система оказания первичной медико-санитарной помощи.

Выделяются значительные средства на строительство новых и реконструкцию имеющихся сельских врачебных пунктов, городских и сельских семейных поликлиник, оснащаются востребованными кадрами и транспортными средствами службы экстренной медицинской помощи.

При поддержке Министерства здравоохранения и Хокимията Ташкентской области недавно завершилась реконструкция здания сельского

врачебного пункта "Отахонов" Куйичирчикского районного медицинского объединения. В настоящее время сюда завезена современная мебель, компьютеры, лабораторное оборудование. Всего на эти цели из средств бюджета направлено свыше пяти миллиардов сумов.

Мы оказываем медико-санитарную помощь свыше 3 700 жителям махаллинского схода граждан "Маданият", — рассказывает заведующая СВП Комуна Аппакхужаева. — Уделя-

ем внимание укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матери и ребенка, проводим консультации, направляем пациентов в специализированные медицинские учреждения, проводим мероприятия по профилактике и снижению заболеваемости, травматизма, инвалидности, организуем профилактические и целевые медицинские осмотры. Ведем разъяснительную работу среди населения о вреде алкоголизма и наркомании, занимаемся широкой пропагандой здорового образа жизни.

На сегодняшний день в СВП "Отахонов" осуществляют дея-

тельность два врача общей практики, стоматолог и восемь медицинских работников среднего звена. Круглосуточно дежурят работники службы экстренной медицинской помощи, открыта социальная аптека. Вскоре откроются кабинеты педиатра, женской консультации, прививочная.

Врачами и медицинскими работниками организована служба патронажа, что позволяет своевременно оказывать медико-социальную помощь одиноким, престарелым, инвалидам, хроническим больным, а также новорожденным и их матерям.

— Мне ежемесячно на дому измеряют артериальное давление, проверяют пульс, выписывают необходимые медицинские препараты, назначают необходимые процедуры, — рассказывает 83-летняя жительница махаллы "Маданият" Роза Ахфатеева. — Хочу особо отметить заслуги старшей медицинской сестры Гульнары Алимовой. Эта добрая, отзывчивая и опытная женщина вселяет уверенность, оказывает мне моральную поддержку. А это очень важно для каждого больного.

Хамидулло УБАЙДУЛЛАЕВ.
Фото автора.

ЭЪЛОН

Тошкент фармацевтика институтини 2019-2020 ўқув йилида бакалаврият йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича тамомлаётган битирувчиларнинг вилоятлар кесимидаги маълумоти

№	Таълим йўналишлари (мутахассисликлари)		Битирувчилар сони	шу жумладан, аёллар		Худудлар бўйича битирувчилар сони																																	
	шифри	номи		шу жумладан, аёллар	грант	контракт	Коракалпонистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навой вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фаргона вилояти	Хоразм вилояти	Кашкадарё вилояти	Тошкент шаҳар	Бошқа давлат	шу жумладан, аёллар																	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	
Тошкент фармацевтика институтини бўйича жами:			501	244	62	40	439	205	23	14	21	5	32	12	17	6	24	13	18	6	59	21	24	8	20	11	37	20	42	10	24	10	35	10	123	73	3	0	
Бакалаврият:			445	209	53	33	392	177	20	11	17	5	30	10	16	5	21	12	16	4	52	16	23	8	18	10	31	16	40	9	19	8	32	8	108	62	2	0	
1	5510500	Фармация	211	109	15	10	196	99	5	3	10	3	15	4	11	4	12	7	4	2	22	12	15	5	10	7	16	7	19	7	10	6	9	2	52	40	1		
2	5111000	Касб таълим	26	12	4	2	22	10	4	4						2	1	4	1	3						1	1	1		4			3	1	4	4			
3	5510600	Саннат фармацияси	158	69	24	14	134	56	9	2	3	1	12	6	1	6	3	6	1	23	4	3			6	1	9	6	12	2	8	2	18	4	41				
4	5320500	Биотехнология	22	10	5	3	17	7	1	1	3			3	1				1	2	2						3	2	2				1	1	4	15	1		
5	5300901	Метрология стандарлаштириш ва махсулот сифати менежменти	28	9	5	4	23	5	1	1	1	1	3		1	1	1	1	1	2			3	1	1	1	2	1	3		1				7	3			
Магистратура:			56	35	9	7	47	28	3	3	4	0	2	2	1	1	3	1	2	2	7	5	1	0	2	1	6	4	2	1	5	2	3	2	15	11	1	0	
1	5A320406	Дори воситалар ва препаратлар технологияси	8	4	1	1	7	3			1				1	1	1																			3	2		
2	5A510603	Дориларнинг саннат технологияси	15	11	2	2	13	9	1	1			1	1			1				2	2						4	2				1			5	5	1	
3	5A510602	Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар	5	3	1	1	4	2												1	1	1														2	1		
4	5A510501	Фармацевтик кимё ва фармакогнозия	17	11	3	2	14	9	2	2	3					1	1			3	3					1	2	2	1		1	1	1	1	2	2			
5	5A510502	Фармацевтика ишлари ташкил қилиш ва бошқариш	11	6	2	1	9	5					1	1						1	1	1							1	1	2	1	1	1	3	1			

Фикр

ШИФОКОРНИНГ ОБРЎСИНИ ОШИРИШ,
ХИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги Мурожаатномасида жамиятимиздаги барча соҳа ва йўналишлар ҳақида тўхталар экан, шифокорларимизнинг мақоми ва обрўсини ошириш кераклигига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Бу шифокорлар томонидан қувонч билан қизгин кутиб олинди. Фурсатдан фойдаланиб, таҳдид ва тажовуздан жабр кўрган бир гуруҳ тиббиёт ходимларини сўхбатга тортидик.

2019 йил 21 август куни Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида доволанаётган беморнинг ўғли томонидан тиббиёт марказининг ортопедия ва жароҳатлар оқибатлари бўлими ходимларига тажовуз амалга оширилди. Ушбу жараёнда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ортопедия ва жароҳатлар оқибатлари бўлими ходими Бобур Шавкатов жабр кўрган эди.

— Қўлимни боғлаб, устимдан бензин сепиб, мени ёқмоқчи бўлганда шокка тушиб қолгандим, — дейди Бобур Шавкатов. — Хайриятки, одамлар вақтида ёрдамга келишди, бўлмаса, нима бўлишини худо биларди. Ҳануздан буён кўп ўйлайман. Шунча йил ўқиб, шарфли касбни танласанг-у, аммо обрўининг ерга уриб, суиқасд қилишмоқчи бўлишса, алам қилар экан... Аини пайтда ҳусусий тиббиёт муассасасига ишга ўтдим. Чунки, турли таҳдидлар бўлавергач, химоя учун эътиёт чорасини кўришга мажбур бўларкансиз. Куни кеча Президентимизнинг шифокорлар обрўсини ошириш бораси-

да жон куйдириб, зўравонликларга тўхталиб, бу бизнинг мен-талитетимизга умуман тўғри келмаслигини, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаганлари менга жуда катта далла бўлди. Албатта, бу борада, аввало, қонунчиликни кучайтириш, шу билан бирга, аҳоли ўртасига кенг тушунтириш ишларини ҳам олиб бориш лозим, деб ўйламан.

2019 йил 31 октябрь куни Навоий вилояти Учқудук туман тиббиёт бирлашмаси тез ёрдам бўлими Тез ёрдам бригадаси чақирилган манзилга етиб борганда, ўша хонадонда бўлган маст ҳолатдаги фуқаролар томонидан шифокорларга таъийқ қилинган. Натижада шифокор Нажмиддин Болиқулов ва фельдшер Улуғбек Ражабов бундан жарбланган эди.

— Ердам бергани борсангиз-у, ҳақоратлаб, шаънингизни топтатса, бу ҳам етмаганидек, яна калтаклашса ҳурлигингиз келиб кетар экан, — дейди шифокор Нажмиддин Болиқулов. — 2019 йил июнь ойида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини тугатиб, ту-

ман тиббиёт бирлашмасида катта мақсадлар билан иш бошлаганман. Шифокор сифатида оқ ҳалат кийиб, болаликдан орзу қилган касбга эришиб, фаолият бошлаганимдан жудаям хурсанд эдим. Аммо 31 октябрь куни навбатдаги чақириққа борганимда маст фуқаролар томонидан ҳақоратланганимдан сўнг кайфиятим бутунлай тушиб кетди. Кўп ўйлайман, ахир шифокорлар сабаб, уларнинг меҳнати билан қанчадан қанча инсонларнинг ҳаёти сақланиб қолинса, умри узайса, қанчадан қанча бемор оғир хасталиклардан халос бўлса-ю, унинг раҳматига тўхтам эшитсак. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида шифокорларнинг обрўси ва мақомини ошириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилганлиги, шифокорларга тажовуз ҳолатлари қаттиқ қораланганлиги кайфиятимни кўтарди, касбимга бўлган меҳрим ва иштиёқимни янада оширди. Шахсан мен энди вазият бутунлай ўзгаришига қатъий ишонаман.

2020 йил 2 январь куни Наманган вилояти Учқўрғон туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи Одилжон Қўлдошевга беморнинг тоғаси томонидан тажовуз қилиниб, тиклана бўлмас жароҳат етказилди. Натижада шифокор кўриш қобилиятини бутунлай йўқотди.

— 36 йилдан буён туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими-

да жарроҳ бўлиб ишлаб келардим, — дейди шифокор Одилжон Қўлдошев. — Шу давр ичида минглаб беморларнинг мушкулени осон қилишда озроқ бўлса-да, ўз хиссамни кўшдим. Лекин шунча йилдан буён ишлаб, шифо излаб келган бемор қариндошидан бу қадар жабр кўраман, деб ўйламагандим. Айбдор жазосини олар, аммо кўз нуриминим ким тиклаб беради? Мен бу ёруғ ҳаётни ўз кўзим билан яна кўра оламанми? Айбим нима? Афсуски, шифокорларнинг ноҳақ ҳақоратлаб, уларга қўл кўтарайтган одамларга жиддий чора кўрилмаётганлиги учун ҳам бундай ҳолатлар йилдан йилга кўпайиб бора-япти. Ахир биз умримизнинг охиригача инсонларнинг саломатлиги учун хизмат қиламиз-ку? Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномада шифокорлар химоясини кучайтириш, обрўсини ошириш кераклигига ургу бердилар. Ҳаммамизда шифокорларга нисбатан муносабат ўзгаришига умид уйғонди. Ҳақиқатан ҳам, шифокорлар химоясини кучайтиришга жиддий эътибор қаратиб, уларнинг ҳақ-хуқуқини химоя қиладиган қонун қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Унутманг!

СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ
ҚЎЛИНГИЗДА

Айни кунларда республика-миз миқёсида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли кўрсатма хати асосида 2020 йилда ўтказиладиган оммавий тадбирлар бошлаб юборилди. Маълумки, тарғибот тадбирлари жараёни аниқ ҳафталик тақвим асосида таъкил этилган. Яна бир бор эслатиб ўтамиз, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари томонидан ҳафта кунларидаги тадбирлар куйидаги тарзда ўтказилади:

Душанба — "Стрессларга қарши кураш куни".

Сешанба — "Ўз ва шакар-ни чеклаш куни".

Чоршанба — "Тамакисиз кун".

Пайшанба — "Соғлом овқатланиш куни".

Жума — "Пиёда юриш куни".

Шанба — "Саломатлик куни".

Ўз саломатлигингизни муҳофаза қилиш учун албатта, мазкур жараёнларда фаол иштирок этишни унутманг!

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази.

Спорт

СПОРТГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР СЕНИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, спорт билан шугулланувчилар сони тобора ортиб бораётгани қувонарлидир.



Жумладан, Қашқадарё вилоятида аини вақтда фақат 14-30 ёшлилар орасидан спорт билан шугулланувчилар сони

285 мингдан ортиди. Бугун вилоятдаги 4 мингдан зиёд спорт-соғломлаштириш объектлари улар ихтиёрида.

Қарши шаҳридаги "Ватанпарварлар" боғи доимо одамлар билан гавжум. Бу ерда спорт билан шугулланаётган ёшларни, сайр қилиб ҳордиқ чиқараётган, пиёда юриб саломатлигини янада мустаҳкамлаётган кишиларни ҳам учратамиз.

— Олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун Қарши шаҳрида малакали мутахассислар ёрдамида тайёргарлик кўраяман, — дейди Ҳузур туманидан **Озода Саидова**. — Ёзда ўтказилган марафонда қатнашгандим. Шу-шу машғулотлардан бўшадим дегунча "Ватанпарварлар" боғига бориб спорт билан шугулланаман. Бу хотирамни тиниклаштириб, яши билим олишимга, фактлар, далиллар ва рақамларни эслаб қолишимга яқиндан ёрдам бераяпти. Эртадан кечгача ўзимни тетик ҳис қилаялман.

Айтиш керакки, бугун чекка-чекка кишлоқларда ҳам мухташам спорт заллари барпо этилиб, улар замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланаётгани ҳам ёшларнинг спортга меҳр



қўйишига сабаб бўлмоқда.

— Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида бу масалага яна бир бор алоҳида эътибор қаратилгани мени жуда хурсанд қилди, — дейди Қарши туманидан **Ислом Каримов**. — Унда ҳудудларда аҳоли, аниқ-қисса, ёшларимиз учун қўллаб янги оммавий спорт объектлари —

футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, теннис корти қурилиши айтилди. Демак, янги спорт мажмуалари янада кўпаяди, спортга иштиёқ баланд ёшлар сони янада ортади.

ЎЗА.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бosh муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бosh муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1470 нусха.
Буюртма Г-150.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Басмахонага топшириш вақти — 20.00.